

<https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1285>

## HISTORICAL DEVELOPMENT OF TRADITIONS AND STUDENT TRADITIONS

Жаббаров Рустам Равшанович

Низомий номидаги ТДПУ,

Тасвирий санъат кафедраси катта ўқитувчиси

[rustam.jabbarov.82@inbox.ru](mailto:rustam.jabbarov.82@inbox.ru)

**Аннотация.** Аждодларимизни бизга қолдирган маънавий хазиналарида ўринли ахамиятга эгаллиги асрдан – асрга, авлоддан–авлодга ўтиб келаётган улў аждодларимизнинг миллий - маънавий мероси дурдоналарини ташкил этувчи ва унинг шахс камолатидаги аҳамияти ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Калим сўзлар:** Шарафа, ансамбль, ёғоч ўймакорлиги, меъмор, устакалон, нақш, пойкор, ҳунар.

**Annotation.** The spiritual treasures left to us by our ancestors contain information about the importance of the national and spiritual heritage of our great ancestors, which is passed down from century to century, from generation to generation, and its importance in personal development.

**Keywords:** Honor, ensemble, wood carving, architect, craftsman, pattern, sculptor, craft.

Ўзбекистон халқларининг тарихи, қадриятлари, илм-фан, маданият дурдоналарини ҳар томонлама илмий ўрганиш ва таҳлил этиш ғоят муҳимдир. “Бугун бизнинг олдимизга шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, деган эди Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти



И.А.Каримов,- бу босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб миллий давлатчилигимиз негизини анқилаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз томирларига қайтиб ўтмишдаги бой анъаналарни Янги жамият қурилишига тадбиқ этмоғимиз керак”. Шу мақсадда Республикамиз ҳукуматининг катор ҳужжатлари Ватанимизнинг ҳар томонлама жаҳон андозалари асосида ривожланишига қаратилмоқда жумладан, ёшларга таълим-тарбия беришда маданиятимиз, кадриятларимиз, миллий санъатимиз намуналаридан ота-боболаримиз томонидан яратилган ва бутун жаҳонга машҳур бўлган ажойиб санъат намуналаридан кенг фойдаланишига катта аҳамият бермоқда. Шу маънода республика ҳукумати томонидан халқ таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш мақсадида 1997 йил “Таълим тўғрисида”ги қонун ва кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур қабул қилинди. Унда “Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги сиёсатини, умуминсоний кадриятлар, халқнинг тарихий тажрибаси, маданият ва фан бобидаги кўп асрлик анъаналар, жамиятнинг истиқболидаги ривожланиши ҳисобга олаган ҳолда юригизилади”.

Бизнинг илмий изланишларимиз шуни кўрсатадики, қадимда аجدодларимиз устоз шогирд асосида ёшларга ҳунар ўрганиш бўйича бой тажрибага эгадир.

Лекин кейинги вақтларда аждодларимизнинг бой меросларидан ҳамда тажрибаларидан тўлиқ фойдалана олмаяпмиз. Бунинг сабабларидан бири устоз ва шогирд анаъналарини чуқур ўрганмаганлигимиздир.

Аждодларимиз тажрибаларидан ёритилган адабиётларни ҳам етарли деб бўлмайди.. Бундан ташқари аждодларимиз бой тажрибаларини ҳозирда ҳунар ўрганаётган жойларда чунончи: олий ўқув юртлари, ўрта махсус касб – ҳунар таълим муасасаларида шахсий уста – шогирт асосида ўргатётган устахоналарда қўшимча касб - ҳунар коллежларида уста – шогирт одоби тўлиқ ўгатишмаслиги ўқувчи – ёшларимизни ахлоқ – одобига ва билим



даражасига, умуман, улар маънавиятининг шаклланишига салбий таъсир этаёткалигининг гувоҳи бўламиз. Шунинг учун аجدодларимиз қолдирган анъаналаримиз ва маънавий меросидан тўғри ва унумли фойдаланиш: чунончи, ишлаб чиқилган “Устоз ва шогирт одоби” модели асосида ўқувчи – ёшларга шахсий ва касбий фазилатларида қуйдаги ижобий ўзгаришлар рўй бериши табиий. Улар аجدодларимиз маънавий меросига бўлган ҳурмат – эътибор кучаяди, ўз ота- онасига, устозига, ўртоқларига, хуллас, инсонларга бўлган ҳурмат ошади. Уларнинг шу ҳунарни қиёмига етказиб ўганишларида асос бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда таълим – тарбия мазмунида узлуксиз таълимни ислоқ қилиш миллий ўзликни анлаш, ватанпарварлик миллий ўзликни анлаш, сингдириш, миллий маданий–тарихий анъаналарга ва халқимизни интеллектуал меросига ҳурмат, республикаимизнинг жаҳондаги мавқе ва обрў - эътиборини мустақкамлаш каби муҳум омиллар амалга оширилмоқда. Бу масалаларни амалга оширишда аجدодларимизни бизга қолдирган маънавий хазиналарида ўринли аҳамиятга эгадир. Асирдан – асирга, авлоддан–авлодга утиб келаётган улуғ аجدодларимизнинг миллий - маънавий мероси жаҳон цивилизацияси дурдоналарини ташкил этар экан, унинг шахс камолатидаги аҳамияти чексиздир.

Қадимда ҳунар ўрганиш муқаддас саналган. Ҳар бир халқ келажак авлодларига ўзидан қолдирган такрорланмас ҳунарлар билан қадрланган. Ўзбекистон қадимда ҳунармандлар маркази бўлган десак хато қилмаган бўламиз. Масалан, Андижон вилоятида, Шаҳрихон, Самарқанд вилоятида Ургут, **Фарғона вилоятида Қўқон, Марғилон**, Наманган вилоятида Чустда халқ ҳунарманчилиги гуллаб яшнаган. Ҳунармандлар ўзга даврда маҳаллаларга бўлиниб яшаганлар, чунончи заргарлик маҳалласи, пичоқчилик маҳалласи деб юритилган. Ўша даврларда яна мисгарлик, бўйрачилик, сандиқчилик, арававозлик ва кулолчилик ,маҳалалари мавжуд бўлган.



Масалан, 19 аср охири 20 аср бошларида Бухорода бўйрачи маҳалалар бўлиб у ерда умуман Бухородаги бўйра тўқийдиган усталар яшаган. Бўйрачи маҳалласида 120 та оила яшаган. Ҳар бир касб – корлик маҳалласида куни - кўшинлар ўртасида рақобат бўлган. Чуки кимнинг маҳсулоти сифатли бўлса, халқ ўшанинг ишлаб чиқарган маҳсулотини сотиб олган. Шунинг учун ҳар бир уста сифатли маҳсулот тайёрлашга интиланган. Ҳар бир устанинг растаси бўлган. Бозорда одатда бозор беги бўлган. У барча расталарга келтирилган молларни кузатиб уларга нарх белгилаб чиқандан кейин савдо–сотик бошланар эди. Сифатсиз маҳсулот ишлаган устанинг бозори касотга учраган. Уста ўтмишда халқ усталарининг энг билимдони ҳисобланган. Чунки улар мадрасада тақсил олиб адабиёт, тарих, муסיқа, математика, кимё фанларини яхши билганлар. Қадимдан наққошлар нақш яратиш сир асорларини ёзиб қолдирмаганлар, фақат шогирдлари билганлар. Шогиртлари уста бўлгандан сунг улар ҳам ўз шогиртларига ўргатган. Шундай қилиб, наққошлик касбини анъана тариқасида ривожлантириб келганлар. Уста ўзига шогирдликка ўз боласини ёки қариндошларидан олганлар. Шогирдликка 7-8 ёшдан олинган. Ўқиш ўрганиш 7-12 йиллар атрофида бўлган. Устози шогиртлари билан кундуз куни ишлаб кечқурун эса устоз раҳбарлигида савод чиқарилган. Шогирдлар геометрия ва кимёни ўрганганлар. Шогирднинг қўлидан мустақил иш келгандан кийин усталар унинг ишини муҳокама қилиб, сўнгра “уста” номини беришган. Устанинг ўғли ота касбини ёшлиқдан ўрганиб борган. Бу эса келажакда яхши хунарманд бўлишига замин яратган. Устада ўғли ёки фарзанди бўлмаса, бу касбни энг яқин қариндошлари болаларига ўргатган.

Хуллас касб авлодларга мерос қолиш анъана ҳолда бўлган: болани уста олдида олиб бориш ўзга яраша тантана бўлган. Болани ота – онаси ва қариндош уруғлари “бўй” деган бўғирсоқ холватар қилиб, устанинг ҳузурига келганлар ва “болани гўшти сизники, суяги бизники” қабилада гаплар билан



унинг ихтиёрига топширганлар. Келтирилган пишириклар ўша пайтдаёқ биргаликда танаввул этилган. Уста болага хунар ўргатишдан ташқари бутун ўқиш давомида ўзи озиқ-овқат билан таминлаб турган. Касиб ўргатиш текин олиб борилган. Устоз шогирдга қаттиқ қўл ва талабчан бўлган. Чунки ҳар бир хунарни ўта нозик дид ва сабир-тоқат билангина ўрганиш мумкун бўлган. Усталар шогирдлар учун махсус одоб талабларини ишлаб чиққанлар. Масалан, улар шогирддан покизаликни, иш вақтида чалғимасликни эгри ва номаъқул ишларга яқин юрмасликни, устоз рухсатисиз бирор ишга қўл урмасликни, қатъий туруб талаб қилганлар. Уста шогирдга фақат хунар сирини ўргатишдан ташқари уй юмушларини бажаришга ҳам ўргатиб борган. Шогирд санъат сирларини пухта эгалагандан сўнг оқ фотиҳа берилган.

Маросимда устозига шогирд бош-оёқ сарпо, тугун инъом этган.

Баъзида устоз шогирди мустақил иш бошлашдан қийналмаслиги учун шу касбда ишлатиладиган асбоб ва андозалар берар эди. Агар оқ фотиҳа олган баъзи шогирд мустақил ишлашни ҳоҳламаса устозникида қолиб ишлайверган. Бундай ҳолда устоз билан келишиб олиб иш ҳақи олган.

Ўзбек усталаридан бири ганч ўймакор уста Усмон Икромовнинг ҳаёт йўли ибрати. Ёш Усмон уста Расулхожининг қўлида 8 йил ишлайди. Беш йилгача ҳафталик ҳақи 10 тийиндан ошмаган. Ҳар пайшанба куни Расулхлжи шогирди қўлига 10 тийин берган. Усмон пулни олиб бозордан онаси ва икки синглисига егулик олиб борган.

Одатда шогирд фақат уста буюрган ишни қилиши керак эди. Устадан берухсат шогирд бирор ишга уринса ёки унинг асбобларига тегинса калтак ерди. Олтинчи йилига ўтганда Усмоннинг ҳафта иш вақти 50 тийинга, саккизинчи йилга ўтганда эса кундалик иш ҳақи бир сўмга чиқди. Бу пайтда у иморат ишидаги оддий чўпгарликдан тортиб, ғишт териш, сувоқ, ганч ўймакорлигини мустақил бажара оладиган бўлганди. Ниҳоят саккиз йил деганда Усмон Расулхожидан оқ фотиҳа олиб, уста номига эга бўлган.



Бухородаги ҳамма ганчкор усталарга ганч сотадиган бойлардан бири Абдуқодир бир куни уста Ҳаётни чақиради ва янги уйни ганч билан безамоқчилигини айтади. Сўнгра уста Ҳаёт бу ишни 22 ёшли Ширин Муродовга топширади. Бу иш Шириннинг биринчи мустақил иши бўлди. Ширин меҳмонхона безакларини оддий бежирим нисбатларини сақлаган ҳолда бир бутун кўриниш ва бошқаларини ҳисобга олади. У меҳмонхона ва айвонлар шарафлар билан безайди. Ундаги ўйма ганчлар жуда майин бежирим чиққанлиги сабабли усталар орасида обрўси яна ҳам ошади. Уста Ҳаёт кунлардан бир кун Ширинни олдига чақириб, мен сендан хурсандман энди мутақил ишлайверсанг бўлади дейди. Азалий одат бўйича унга усталар ўртасида уста номини беришади. Ширин Муродов шундан сўнг халқ ўртасида уста деган шарафли номга муяссар бўлади.

Ўзбек меъморлари яхши яшаш учун ҳар жихатдан қулай шинам, чиройли уйлар қурганлар. Ўзбекларни ховли-жойи тугал бир меъморий ансамбльни ташкил этиб ўзига хос шарқона файзи бўлган. Бу қурилган уйларни бири-бирига узвий қилиб қурилиши ва безалиши бир санъат даражасида бўлган. Ёғоч ўймакорлиги бўйича ишлаётган шогирд устани уйида ёки ўзининг уйида турган. Шогирдни яхши ва пухта ўргатиш учун аввал уни меҳнатга ўргатган ва шу ҳунарга табиий ҳолда қизиқишини оширган. Бунинг учун устоз шогирдига уйдаги майда-майда уй ишларини буюрган. Кейин эса аста устага асбоб ускуналарни олиб бериб туриш ёки хом ашёни тайёрлаб туриш, кейинчалик эса эшик, деразаларни, устунларни ўрнатишга ва нақшларни ўйишга ўргатган. Яъни болани яшаш билан бирга ҳунар сирларини оддийдан-мураккабга қараб ўрганиб борган. 3-4 йиллардан сўнг яхши тажрибали шогирдига уста 15-20 кун пул ишлаб келиши учун руҳсат берган.

Шогирдга уста номини бериш ўзига хос урф-одатлари бўлган. Бу тантанавий кеча шогирднинг ота-онасини уйда ёки устани уйда ўтказилган. Кечага шогирднинг қариндошлари устозни қўлида ишлаётган



шогирдлар, усталар, муллалар қатнашган. Усталар каттаси оқсоқол ёки устакалон унинг ёрдамчиси пойкор уста номини олаётган шогирднинг бошига салла ўраган. Чопон кийгазиб белига қийиқча боғлаган ва белидаги қийиқчага арра ва теша қистириб қўйилган. Усталар ва дўстлари табриклаганлар. Кейин катта уста дастурхондан ёпган нонни олиб кечани сабабчисига қараб “борсанг хам ўзингни куйган кулчангни кўрсатгин” деб берган. Бундай урф-одатларнинг ҳар хил турлари бўлган. Баъзи урф-одат бўйича бўлгувчи устага бирор бир уйни мустақил безаш топширилади. Уйни бўлгувчи уста битказгандан сўнг усталар унинг ишини текширадилар ва баҳо берадилар. Агар устага маъқул тушса, унда шогирдга “уста” деган унвонни берилган. Шундан сўнг ёш устага бошқа шаҳарларга бориб ишлашга рухсат берилган ёки баъзи ёш усталар устага “халифа” бўлиб, унинг бошчилигида ишлаб юрган.

Оқсоқолни тайинлашда шаҳарлардаги энг катта тажрибали усталардан бирини сайлаган. Агар оқсоқол бирор ноҳақ иш қилиб қўйса унда бирор масжидга оқсоқолнинг ёрдамчиси ва ҳамма усталарни йиғиб қайта оқсоқол сайлаган. Бухорода эса оқсоқолни қайта сайлаш бошқачароқ бўлган. Усталар Бухоро хонига маҳсус ариза ёзар эдилар. Шундан сўнг Бухоро хонидан “сарпо” ва маҳсус қарор яъни “ёрлиқ” олган. Халққа қарорни ўқиб сарпони кийдиришган.

Бухорода XIX аср охири XX аср бошларида дурадгорлар бошлиғи уста Ғулом, Ўра-Тевада эса уста Карим Кажорбоши (усто Абу карим Абдухолиқов) бўлган. Ўра Тепалик халқ усталарни юқори Зарафшон қишлоқларида масжид, мадраса, турар жой биноларини безаш учун таклиф этганлар. Улар наққошлик, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик ва бошқа ишларни бажарганлар.



Усталар уюшмаси турар жойларга усталарни ишлашга юборганлар. Уларга иш хақи тариқасида ишлаган жойларда кийимлар қўй, сигир, эчки, ер ёки пул берилар эди.

Усталар орасида хос мусобақа ҳам бўлган, уларнинг ишларини кўргазма қилиб катта усталар орасида баҳоланган.

Масалан, Ўра-Тепанинг кўк Гумбаз маҳалласида Мавлоно Эшон мақбарасини икки ўйма эшигини бажариш учун уста Карим Хоррот ва Абдуқодир Хорротларга топширилди. Улар биттадан эшикни ўйиб безатдилар ва уларни икки табақали икки эшиклар бир қанча катта усталар орасида баҳоланади. Уста Абдуқодирнинг эшиги 70 олтин танга, уста Каримнинг эшиги 100 олтин танга билан баҳоланади.

Уста Каримнинг эшигини баҳолашнинг сабаби эшикни юқори ярим доира қисми нақш композицияси билан боғланган. Абдуқодир устанинг эшиги тепаси учли бўлиб, бино кўриниши композицияга мос келмаган, баъзи усталар ишига берилган баҳосига келиша олмас эди, шунинг учун бу ҳолатга аралашиб ҳал қилар эди.

1924 йилгача Ўрта Осиёда бошқа ҳунар турлари усталари каби зардўзлар ҳам жуда кўп бўлган. Чунончи, Бухорода 300 дан 350 нафаргача зардўз усталар ишлаган. Ҳунармандлар ўрта аср ҳунар ширкатлари кўринишидаги махсус ташкилотга уюшган эдилар. “Зардўзлар ишлари устидан назорат ўрнатувчи бу ташкилот ўзининг сайловчи маъмуриятига эга бўлиб, барча расм-русумларга ва урф-одатларга изчил амал қилар, тантана ва йиғилишлар ўтказиб турар эди.

Бухоро усталарнинг зардўзлик касби отадан болага меърос бўлиб келган. Асли зардўз бўлган оиланинг ўғил фарзанди отасидан зардўзликни ўрганиб, ўз навбатида у ўз болаларига ўргатган. Пушти камаридан ўғил бўлмаган оталар бу касбни энг яқин қариндошларига ўргатганлар. Касбнинг авлоддан-



авлодга мерос қолиши одатдаги ҳол бўлганига қарамай, зардўзлик ҳам бошқа касблар билан бир қатордан ўрин олган.

Зардўзлик касбини ўрганиш учун 10-12, айрим ҳоллардагина ундан, каттароқ ёшдаги болалар жалб этганлар. Болани уста олдига олиб бориш ўзига яраша тантана бўлган. Боланинг ота-онаси ва қариндош-уруғлари бўғирсоқ ва холвайтар қилиб, устанинг ҳузурига ва “боланинг гўшти сизники, суяги бизники”, қабилида гаплар билан унинг ихтиёрига топширганлар. Уста болага ҳунар ўргатишдан ташқари бутун ўқиш давомида озиқ-овқат билан таъминлаб турган. Янги шогирдга чинакам таълим бериш ишларини уста бирданига бошлавермаган. Дастлабки пайтлардан шогирд уй юмушларига қарашган, устахонани супириб-сидирган, сув ташиган, бозор-ўчар қилган, тикувчиларга ёрдам берган, онда-сонда, иш орасида, унча-мунча катим тортиб турган. Орадан бир йил ёки ундан сал кўпроқ муддат ўтгандагина унга тикиш сирлари ўргатила бошлаган. Шогирдга маблағ тўлаш борасида маълум қоида бўлмаган.

Ҳунар ўргатиш муддати ҳам чекланмаган. Таълим бериш 4 йилдан 7 йилгача давом этган. Борди-ю, шогирди ўта қобилиятли чиқиб қолса, бундай малакали ишчисидан маҳрум бўлишни истамаган устоз уни 8-10 йилгача ҳам сақланган. Бундай пайитларда шогирд оқсоқолни ўртага солиб, устаси тезроқ рухсат беришини сўраган. Шогирднинг талаби ўринли бўлса, оқсоқол устадан шогирдига оқ фотиҳа бериши бўлмаса меҳнатига ҳақ тўлаши лозимлигини айтган. Албатта, шогирдга тўланадиган ҳақ халифаларга тўланадиган ҳақдан анча кам бўлган. Норозилик пайдо бўлмаслиги учун уста қисқа вақт ичида зардўзлик сирларини пухта эгаллаган лаёқатли шогирдга қолган. Таълим муддатини ўтган шогирд устозидан оқ фотиҳа олган. Шогирднинг уйга қайтиши ўзи бир маросим бўлган. Уни “арвохи миён бағдон” деб аталиб, касб-ҳунар ҳомийларининг руҳи қўллаб юрсин деган маънони англатган. Бу маросим шогирднинг зиммасига тушиб, зардўзлик



уюшмаси аъзолари иштирокида унинг уйида ўтказилган. “Шохи Мардон ҳаққига белинга белбоғ боғладим”-дея фотиҳа ўқиб уста шогирднинг белига белбоғ боғлайди ва шу билан унга зардушлик касби билан мустақил иш бошлайверишга ижозат беради. Маросим кунида устозга бош–оёқ сарпо, тугун инъом қилинган. Бундай тугунлардан бобо, оқсоқол ва пойкор ҳам куруқ қолдирилмаган, албатта. Баъзи ҳолларда бечораҳол шогирдларни кузатар чоғида уста уларга ишни осон бошлашлари учун керги (чамбарак), қайчи тайёр гулсингани ашё ва буюмлардан бериб юборган. Борди-ю, оқ фотиҳа олган шогирд иқтисодий жиҳатдан ночор бўлиб, мустақил иш бошлашга кўзи етмаса, устозни уйида қолиб ишлашни сўраган. Бундай ҳолда унга халфа тарзида ишлаш ҳуқуқи берилиб, ҳар иккала томон ана шу шарт асосида иш ҳақини келишиб олган. Зардушлик касбини ҳамийси “арвои пир”га сиғиниш узоқ вақитгача қоида бўлиб келди. Илк баҳор кунларида, ҳусусан “2 гули сурх ҳамма зардузлар Бухоро яқинидаги Баховиддин қишлоғига келиб пирнинг ҳаққига қуй сўйиб, худойи қилганлар. Уста зардузларнинг айтишича, яқин – яқингача, “пиризода” –лар бўлиб, уларни “рисолачи” дейишган. Ҳафтада икки марта якшанба ва пайшанба шанба кунлари барча зардушлик устахоналарини айланиб чиққан ва одамларни тўплаб, рисола ўқиган, ўқиганларнинг тавфифларини берган. Одатда, қиротхонлик дастурхон давом этган. Қироатхона кейин рисолачи тингловчилардан тушган унча – мунча назир–ниёзини белбоғига тўкканда фотиҳа ўқиб, навбатдаги устахонага йул олган.

Ҳар бир хунар одатда авлоддан – авлодга ўтган, бегона болалардан эса ўта истеъдодли. Шу хунарга меҳр қўйишганларигина танлаб олинган. Чинакам ўймакор усталарни орзу қилган кишилар учун мадрасада тахсил кўрган бўлиши, шерият ва мусиқа сирларидан воқиф бўлиши, ҳатто мусиқа асбобларини бироз чала билиши шарт қилиб қўйилган. Айрим усталар шогирдлари учун махсус одам талабларини ишлаб чиққанлар. Масалан, улар

шогирдларидан покизаликни , иш вақтида чалғимасликни, эгри ва номаъкул ишларга яқин йўламасликни, устоз рухсатисиз бирор ишга қўл урмасликни қаттий талаб қилганлар.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Абдирасилов С., Хисамиева С. Воспитание школьников в духе патриотизма средствами изобразительного искусства в узбекской школе. Молодой ученый. - 2016. - №1. (105). - С. 667-669.

2. Bulatov S.S; Jabbarov R.R. **Philosophical and psychological analysis of works of fine arts (monograph).** Science and Technology Publishing House, 2010.

3. Muratov Xusan Xolmuratovich, Jabbarov Rustam Ravshanovich **AMALIY va BADIY bezak san'ati.** UO'K 76(075);KBK85.15;M88 ISBN 978-9943-6383-4-1. 2020 yil.

3. Абдирасилов С., Бойкобилова Ю., Байкабилова П. Schoolchildren Patriotic Education in Spirit of National Idea. Патриотическое воспитание школьников в духе национальной идеи. Eastern European Scientific Journal. Ausgabe 3-2018.

4. Абдирасилов С., Толипов Н., «Рангтасвир». Дарслик -Т., Инновация-Зиё, 2019, 49-бет.

5. Akhmedov Mukhamod-Umar Bakhridinovich, Kholmatova Feruzakhon Muhammad Umar qizi. Formation of creative processes in students through teaching composition in fine arts. «MULTIDISZIPLINÄRE FORSCHUNG: PERSPEKTIVEN, PROBLEME UND MUSTER» 9. APRIL 2021 • WIEN, REPUBLIK ÖSTERREICH, DOI 10.36074/logos-09.04.2021.v2.03

6. Расулов Мурад Абсаматович. Научить студентов во внешкольных учреждениях составлять композиции на уроках резьбы по дереву. «MULTIDISZIPLINÄRE FORSCHUNG: PERSPEKTIVEN, PROBLEME UND



MUSTER» 9. APRIL 2021 • WIEN, REPUBLIK ÖSTERREICH,

DOI

10.36074/logos-09.04.2021.v2.44

7. Абдирасилов, С. (2021). ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОЕ ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА В ПАТРИОТИЧЕСКОМ И ЭСТЕТИЧЕСКОМ ВОСПИТАНИИ ШКОЛЬНИКОВ. *Збірник наукових праць ЛОГОС*.  
<https://doi.org/10.36074/logos-19.03.2021.v4.42>

8. Talipov Nigmatjon Nozimovich; Yuldasheva Nilufar Ibrahimovna; Jabbarov Rustam Ravshanovich. Development Of Student's Creative Abilities In The Fine Arts In The Higher Education System, The American Journal of Social Science and Education Innovations, ISSN (e): 2689-100X, published: 30 july 2020, p-232-238, Volume-II Issue-VII, DOI:  
<https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume02Issue07-30>

9. Jabbarov Rustam Ravshanovich. (2021) PRIORITIES FOR THE DEVELOPMENT OF PAINTING. *Конференции*, 1(1). SECTION 1, pp-39-49,  
<https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.952>

10. Jabbarov Rustam Ravshanovich Electronic textbook program on the subject "Applied arts and decorative arts", 2018/11/21, No. DGU 05781, DGU 2018 0795

11. Jabbarov, R. (2019). Formation of Fine Art Skills by Teaching Students the Basics of Composition in Miniature Lessons. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 17(1), <http://dx.doi.org/10.52155/ijpsat.v17.1.1424>  
 pp-285-288. ISSN:2509-0119 <https://ijpsat.ijsht-journals.org/index.php/ijpsat/article/view/1424>

12. Сунатулла Файзуллаевич Абдирасилов, Шахноза Ботировна Назирбекова Компьютеризация и информатизация художественно-практические занятия в обучении студентов. 2017. Инновации в науке. Issue 12 (73), АНС «сибак».

13. Сунатулла Абдирасилов, Жанжайхан. Дарменов Бейнелеу өнерін оқыту әдістемесі (Тасвирий санъат ўқитиш методикаси). 2013. Pages 225



**14. Nazirbekova, S. B., Talipov, N. N., & Jabbarov, R. R. (2019). Described the Educational, Scientific, and Educational Institutions of the Miniature. <https://ijpsat.ijsht-journals.org/index.php/ijpsat/article/view/1192> International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 15(2), 364-367. ISSN:2509-0119 <http://dx.doi.org/10.52155/ijpsat.v15.2.1192>**

**15.Халимов Мохир Каримович, Жабборов Рустам Равшанович, Абдуханов Ботир Хусниддин угли, Мансуров Аскархужа Ахборхужа угли (2018). Сравнение продуктивности учебной доски и проектора в преподавании предметов, входящих в цикл инженерной графики. Молодой учёный, № 6 (192), 203-205. 12.02.2018 г. <https://moluch.ru/archive/192/48066/>**

**16. Nazirbekova , S. (2021). THE IMPORTANCE OF FIELD PRACTICE IN FINE ARTS. Збірник наукових праць ЛОГОΣ. <https://doi.org/10.36074/logos-19.03.2021.v4.35>**

**17.Н.Н.Абдусаломходжаев. Исторические личности в творчестве малика Набиева. «MULTIDISZIPLINÄRE FORSCHUNG: PERSPEKTIVEN, PROBLEME UND MUSTER» 9. april 2021 • Wien, Republik Österreich. DOI:10.36074/logos-09.04.2021.v2.42**

**18. Valiev, A. (2021). ABOUT THE FEATURES OF THE PERSPECTIVE OF SIMPLE GEOMETRIC SHAPES AND PROBLEMS IN ITS TRAINING. Збірник наукових праць SCIENTIA. вилучено із <https://ojs.ukrlogos.in.ua/index.php/scientia/article/view/10540>**

**19.Авазбаев А.И., Худайберганова М.Э. Формирование необычного или креативного мышления у учащихся в процессе обучения. Международный научный журнал «ВЕСТНИК НАУКИ» № 5 (26) Т. 3 МАЙ 2020 г.**

**20.Djumaevich Khudoykulov Khol, Ergashevich Parmanov Aliboy, Ismailovich Avazbaev Atazhon, Juraevich Mirzaev Mutalib. The book of principle of human specialist. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary**



Research Journal. 2020, Volume : 10, Issue : 7, ISSN : 2249-7137. Pp-637-648

<http://dx.doi.org/10.5958/2249-7137.2020.00837.X>

21.Hasanov, A. A. (2020). PECULIARITIES OF PREPARING TEACHERS FOR THE DEVELOPMENT AND USE OF E-LEARNING RESOURCES. *Theoretical & Applied Science*, (9), p.15-17.

22. Khasanov A.A. Didactic Foundations of Interdisciplinary Connections at Subject Teaching // *Eastern European Scientific Journal*. Germany -2018. No. 6. P. 127-130

